

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ СОДИР ЭТИШ: ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тешабоев А.

ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи,

Кириш. Жаҳонда рақамли технологияларнинг ривожланиши инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, сунъий интеллект технологияларининг оммалашуви давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, тиббиёт ва ҳуқуқ соҳаларида янги имкониятларни яратмоқда. Шу билан бирга мазкур технологиялардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

Сўнгги йилларда ChatGPT, Gemini, Claude, Midjourney, DeepSeek, Grok каби генератив сунъий интеллект воситалари инсон томонидан яратиладиган матн, тасвир, аудио ва видео контентни автоматик тарзда ҳосил қилиш имкониятини бермоқда. Ушбу технологиялар ижобий натижалар билан бир қаторда ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг янги механизмларини ҳам вужудга келтирмоқда.

Хусусан, сунъий интеллект ёрдамида сохта маълумотлар тарқатиш, шахснинг розилигисиз унинг тасвири ёки овозини яратиш, рекламани яширин тарқатиш, автоматлаштирилган ботлар орқали жамоат тартибига путур етказиш, шахсий маълумотларни ноқонуний йиғиш ва қайта ишлаш каби ҳолатлар кўплаб давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда ҳуқуқшунос олимлар орасида муҳим баҳслардан бири сунъий интеллектнинг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинishi ёки унинг ҳаракатлари учун жавобгарликни инсон зиммасига юклаш масаласи ҳисобланади. Аксарият давлатларда сунъий интеллект мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилмаганлиги сабабли унинг воситасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик инсон ёки юридик шахс зиммасига юклатилади.

Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган AI Act сунъий интеллект соҳасидаги илк комплекс ҳуқуқий ҳужжат сифатида мазкур технологияларни хавф даражасига қараб тартибга солиш механизмини жорий қилди. Мазкур ҳужжатда инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик ва шаффофликка таҳдид солувчи сунъий интеллект тизимларига нисбатан қатъий талаблар белгиланган [1]. OECD томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллект тамойилларида ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, алгоритмлар шаффофлиги, ҳисобдорлик ва хавфларни бошқариш устувор вазифалар сифатида белгиланган [2].

Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сунъий интеллект технологиялари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти мустақил тарзда назарда тутилмаган. Бу эса мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш, ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришни долзарб вазифага айлантирмоқда.

1.1. Сунъий интеллект воситасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси

Мавжуд миллий қонунчиликда «сунъий интеллект орқали содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси мустаҳкамланмаган.

Бизнинг фикримизча, мазкур тушунчага қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: Сунъий интеллект технологиялари орқали содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик — инсон ёки юридик шахс томонидан сунъий интеллект тизимлари, алгоритмлар ёки автоматлаштирилган рақамли воситалардан фойдаланган ҳолда маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарувчи гайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилишидир.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликнинг қуйидаги белгилари ажратилади: ҳуқуқбузарлик субъекти инсон ёки юридик шахс ҳисобланади; сунъий интеллект восита сифатида иштирок этади; ҳуқуқбузарлик рақамли муҳитда ёки рақамли технология ёрдамида содир этилади; қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилади; маъмурий жавобгарлик юзага келади. Ҳозирги халқаро амалиётда AI мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинмаган. Шу сабабли сунъий интеллект ҳаракатлари учун жавобгарлик уни ишлаб чиқувчи, эгаси, оператори ёки фойдаланувчиси зиммасига юклатилади [3].

1.2. Сунъий интеллект орқали содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таснифи. Тадқиқот натижалари асосида мазкур ҳуқуқбузарликларни шартли равишда етти гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ. Ахборот соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар. Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар сунъий интеллект ёрдамида ёлғон ахборот тарқатиш, фейк хабарлар яратиш, жамоатчиликни чалғитиш ва манипуляция қилиш билан боғлиқ. Генератив AI технологиялари орқали инсон нутқи, овози ва ташқи кўринишини юқори аниқликда тақлид қилиш имконияти пайдо бўлди. Бу эса deepfake технологияларининг оммалашуви сабаб бўлмоқда. Масалан, ижтимоий тармоқларда дунёдаги бир қатор сиёсий етакчиларнинг ҳақиқатда айтилмаган нутқлари сунъий интеллект ёрдамида яратилган видеолар кўринишида тарқатилди. Бундай материаллар фуқароларни чалғитиш, жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш ва муайян сиёсий ёки иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилган.

Яна бир мисол сифатида, сунъий интеллект ёрдамида давлат органи раҳбарининг овозига тақлид қилинган аудиоёзув тайёрланиб, унда аҳолига ёлғон маълумотлар етказилиши мумкин. Масалан, фавқулодда вазият, миллий валюта курсининг ўзгариши ёки банк тизимидаги муаммолар ҳақидаги сохта хабарлар жамоатчилик орасида саросима ва ишончсизликни келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчи гуруҳ. Шахсий маълумотларга оид ҳуқуқбузарликлар. Сунъий интеллект моделларини ўқитиш жараёнида фуқароларнинг шахсий маълумотлари ноқонуний йиғилиши ёки қайта ишланиши мумкин.

Бунда: биометрик маълумотларни йиғиш; юзни таниш тизимларидан ноқонуний фойдаланиш; овоз намуналарини қайта ишлаш; шахсий профилларни автоматик шакллантириш каби ҳаракатлар содир этилади.

AI Аст биометрик идентификация тизимларини энг юқори хавфли технологиялар қаторига киритади [4, 4].

Масалан, айрим компаниялар интернет тармоғида очик жойлаштирилган миллионлаб фотосуратларни фуқароларнинг розилигисиз йиғиб, юзни таниш алгоритмларини ўқитиш учун фойдаланган ҳолатлар аниқланган. Натижада инсонларнинг биометрик маълумотлари уларнинг хабардорлигисиз сунъий интеллект тизимлари маълумотлар базасига киритилган. Яна бир мисол сифатида, жамоат жойларига ўрнатилган кузатув камералари орқали фуқароларнинг юз тасвирлари автоматик тарзда йиғилиб, уларнинг ҳаракатланиш маршрути, ташриф буюрадиган жойлари ва кундалик фаолияти ҳақида рақамли профил шакллантирилиши мумкин. Агар мазкур жараён қонунчиликда белгиланган тартиб ва асосларсиз амалга оширилса, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлади.

Шунингдек, сунъий интеллект технологиялари орқали овоз намуналарини қайта ишлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳам учрамоқда. Масалан, ижтимоий тармоқлар ёки оммавий платформаларда жойлаштирилган овоз ёзувларидан фойдаланиб, фуқаронинг овозига юқори даражада ўхшаш сунъий аудиоёзув яратилиши мумкин. Кейинчалик ушбу овоз молиявий фирибгарлик, ёлғон кўрсатмалар бериш ёки бошқа шахсларни алдаш мақсадида ишлатилиши эҳтимолдан холи эмас.

Бундан ташқари, сунъий интеллект тизимлари турли манбалардан олинган маълумотларни бирлаштириш орқали шахснинг рақамли профилини шакллантириши мумкин. Масалан, фуқаронинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги, интернетдаги қидирувлари, харидлари, геолокация маълумотлари ва мулоқот доираси таҳлил қилиниб, унинг қизиқишлари, сиёсий қарашлари, молиявий аҳволи ёки хулқ-атвори ҳақида автоматик хулосалар чиқарилиши мумкин. Бундай профилаштириш шахснинг розилигисиз амалга оширилганда унинг шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи бузилади.

Амалиётда яна бир хавфли ҳолат – иш берувчилар ёки кредит ташкилотлари томонидан сунъий интеллект алгоритмлари асосида фуқароларни баҳолаш ҳисобланади. Масалан, алгоритм шахс ҳақидаги турли маълумотларни таҳлил қилиб, унинг ишга қабул қилиниши ёки кредит олиши бўйича автоматик қарор қабул қилиши мумкин. Агар ушбу қарорлар нотўғри маълумотлар ёки камситувчи мезонларга асосланган бўлса, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилиши мумкин.

Учинчи гуруҳ. Реклама соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар. Сунъий интеллект ёрдамида яширин реклама, манипулятив маркетинг ва истеъмолчиларни адаштириш ҳолатлари содир этилмоқда.

Айниқса: сунъий блогерлар; виртуал инфлюенсерлар; автоматлаштирилган реклама ботлари истеъмолчиларнинг эркин танловига таъсир кўрсатиши мумкин.

Масалан, сўнгги йилларда ижтимоий тармоқларда виртуал инфлюенсерлар деб аталувчи рақамли образлар кенг тарқалмоқда. Бундай инфлюенсерлар реал инсон эмас, балки сунъий интеллект ёрдамида яратилган рақамли қаҳрамонлар ҳисобланади. Улар турли маҳсулот ва хизматларни тарғиб қилиши мумкин. Агар реклама берувчи виртуал инфлюенсернинг сунъий интеллект асосида яратилганлигини ошкор қилмаса, истеъмолчилар уни ҳақиқий инсон деб қабул қилиши ва реклама мазмунига кўпроқ ишонч билдириши мумкин. Бу эса истеъмолчинини чалғитиш сифатида баҳоланиши мумкин.

Яна бир мисол сифатида, сунъий интеллект орқали ижтимоий тармоқларда минглаб сохта аккаунтлар бошқарилиши мумкин. Ушбу аккаунтлар маълум маҳсулот ёки хизмат ҳақида ижобий фикрлар билдириб, унинг машхурлиги ҳақида сохта тасаввур уйғотади. Натижада истеъмолчи мазкур маҳсулотга нисбатан сунъий равишда шакллантирилган ижобий муносабат таъсирида қарор қабул қилиши мумкин.

Шунингдек, автоматлаштирилган реклама ботлари фуқароларнинг интернетдаги фаолиятини кузатиб бориб, уларнинг психологик хусусиятлари, қизиқишлари ва истеъмол одатларини таҳлил қилиши мумкин. Масалан, AI алгоритми фойдаланувчининг молиявий қийин аҳволда эканлигини аниқлаб, унга юқори фоизли кредитлар ёки таваккалчилик даражаси юқори бўлган молиявий хизматларни агрессив тарзда таклиф қилиши мумкин. Бундай ҳаракатлар манипулятив маркетингнинг кўриниши ҳисобланади.

Бошқа бир ҳолатда, сунъий интеллект орқали яратилган блогер ёки виртуал инфлюенсер маҳсулотдан фойдалангани ҳақида сохта видео ёки шарҳ тайёрлаши мумкин. Аслида эса мазкур шахс мавжуд бўлмаслиги ёки маҳсулотни ҳеч қачон ишлатмаган бўлиши мумкин. Бу ҳолат истеъмолчинини товарнинг сифати, хусусиятлари ёки самарадорлиги ҳақида адаштиришга олиб келади. Амалиётда айрим электрон савдо платформаларида ҳам сунъий интеллект орқали автоматик тарзда ижобий фикрлар ва рейтинглар шакллантириш ҳолатлари кузатишмоқда. Масалан, AI ботлари қисқа вақт ичида юзлаб ижобий изоҳлар қолдириб, маҳсулотнинг ҳақиқий обрўсини сунъий равишда ошириши мумкин. Бу эса рақобат қоидаларининг бузилишига ҳам сабаб бўлади.

Тўртинчи гуруҳ. Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар. Генератив AI технологиялари муаллифлик ҳуқуқи объектларидан руҳсатсиз фойдаланиш билан боғлиқ баҳсларни келтириб чиқармоқда.

Масалан: китобларни қайта ишлаш; мусиқа асарларини таклид қилиш; расмлар ва дизайнларни кўчириш; патентланган маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш. Бу каби ҳаракатлар айрим ҳолларда маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Келинг, фикримизни амалий мисоллар ёрдамида изоҳлаймиз.

Масалан, генератив сунъий интеллект модели машхур ёзувчининг асарлари билан ўқитилиб, кейинчалик айнан шу муаллиф услубида янги асарлар яратиши мумкин. Агар бундай натижа аслий асарнинг муҳим

қисмларини такрорласа ёки муаллифнинг ижодий ечимларидан рухсатсиз фойдаланса, муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳақида баҳслар келиб чиқади.

АДАБИЁТЛАР

1. Regulation (EU) 2024/1689 (AI Act). Official Text of the EU AI Act. 2024. // https://digital-strategy.ec.europa.eu/en/policies/regulatory-framework-ai?utm_source
2. Organisation for Economic Co-operation and Development. OECD Principles on Artificial Intelligence. Paris, 2019–2025. // https://www.oecd.org/en/topics/sub-issues/ai-principles.html?utm_source
3. Schuett J. Risk Management in the Artificial Intelligence Act. 2022.
4. Pavlidis G., Kastanas I. Algorithmic Administration and the EU AI Act: Legal Principles for Public Sector Use of AI. 2026.

Аннотация: мазкур мақолада сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши шароитида маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этишининг янги шакллари таҳлил қилинган. Хусусан, генератив сунъий интеллект, нейротармоқлар, автоматлаштирилган алгоритмлар ва рақамли платформалар орқали содир этилаётган ҳуқуққа хилоф ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, сунъий интеллект ёрдамида тарқатилаётган ёлғон ахборотлар, шахсий маълумотларни ноқонуний қайта ишлаш, интеллектуал мулк объектларидан рухсатсиз фойдаланиш, реклама соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда давлат бошқаруви соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, маъмурий ҳуқуқбузарлик, рақамли технологиялар, алгоритмлар.

Abstract: this article analyzes new forms of administrative offenses committed in the context of the rapid development of artificial intelligence technologies. In particular, it examines the specific characteristics of unlawful acts carried out through generative artificial intelligence, neural networks, automated algorithms, and digital platforms. The study also explores administrative offenses related to the dissemination of false information through artificial intelligence, unlawful processing of personal data, unauthorized use of intellectual property objects, violations in the field of advertising, and offenses committed within the sphere of public administration.

Keywords: artificial intelligence, administrative offense, digital technologies, algorithms.

Аннотация: в данной статье проанализированы новые формы совершения административных правонарушений в условиях стремительного развития технологий искусственного интеллекта. В частности, исследованы особенности противоправных деяний, совершаемых с использованием генеративного искусственного интеллекта, нейронных сетей, автоматизированных алгоритмов и цифровых платформ. Кроме того, рассмотрены административные правонарушения, связанные с распространением ложной информации посредством искусственного интеллекта, незаконной обработкой персональных данных, неправомерным использованием объектов интеллектуальной собственности, нарушениями в сфере рекламы, а также правонарушениями в сфере государственного управления.

Ключевые слова: искусственный интеллект, административное правонарушение, цифровые технологии, алгоритмы.